

**УРГАНЧ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.20.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭСАНКУЛОВ МУХАММАД ОЛИМОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
УРОМОДУЛИН ВА АНТИОКСИДАНТ ФЕРМЕНТЛАРНИ  
КОДЛОВЧИ ГЕНЛАРНИНГ ПОЛИМОРФИЗМИ ВА  
ГИПЕРУРИКЕМИЯНИНГ ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эсанкулов Мухаммад Олимович**

Сурункали буйрак касалликларининг ривожланишида уромодулин ва антиоксидант ферментларни кодловчи генларнинг полиморфизми ва гиперурикемиянинг прогностик аҳамияти ..... 3

**Эсанкулов Мухаммад Олимович**

Прогностическая значимость гиперурикемии и полиморфизма генов кодирующих уромодулин и антиоксидантные ферменты в прогрессировании хронической болезни почек ..... 25

**Esankulov Mukhammad Olimovich**

Prognostic value of hyperuricemia and polymorphisms of genes encoding uromodulin and antioxidant enzymes in the progression of chronic kidney disease..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ЭСАНКУЛОВ МУХАММАД ОЛИМОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА  
УРОМОДУЛИН ВА АНТИОКСИДАНТ ФЕРМЕНТЛАРНИ  
КОДЛОВЧИ ГЕНЛАРНИНГ ПОЛИМОРФИЗМИ ВА  
ГИПЕРУРИКЕМИЯНИНГ ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3. PhD/Tib3760 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реферат)) Илмий кенгашнинг расмий веб-сайтида ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ташкенбаева Элеонора Негматовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ахмедова Нилюфар Шариповна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Мухамедов Рустам Султанович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Урганч давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2026 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84, e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz)).

Диссертация билан Урганч давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Тел./факс: (+99862) 224-84-84, e-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Ю. Рузобаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**З.Ф. Джуманиязова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Р.Б. Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сурункали буйрак касаллиги (СБК) – асосий касаллик этиологиясидан қатъий назар, буйрак тўқимасининг шикастланишини кўрсатадиган умумлаштирилган тушунчадир. СБК остида 3 ойдан ортиқ сақланиб қоладиган ҳар қандай буйрак шикастланиш маркерларининг мавжудлиги ва/ёки шу муддат давомида коптокча фильтрация тезлигининг (КФТ)  $<60$  мл/дак/1,73 м<sup>2</sup> доимий пасайиши тушунилади. Статистик маълумотларга кўра, СБК умумий популяциядаги одамларнинг қарийиб 15% да ва ҳар иккинчи артериал гипертензия (АГ) ва қандли диабет (ҚД) билан оғриган беморда ривожланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, СБК 2000 йилдан 2021 йилгача 19 ўриндан 9 ўринга кўтарилиб, дунёдаги ўлим сабаблари орасида биринчи ўнталикка кирди<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда турли кўрсаткичларга кўра, дунё бўйича 800 миллиондан ортиқ киши СБКнинг турли шаклларида азият чекмоқда, бу катталар аҳолисининг тахминан 10-12 фоизини ташкил этади. ЖССТ СБКни сурункали ноинфекцион касалликлар гуруҳининг жуда муҳим қисми сифатида тан олади. Бу гуруҳга кирадиган асосий сабаблар қаторидан артериал гипертензия, қандли диабет ва семизлик асосий ўринни эгаллайди. Даромад даражаси паст ва ўрта бўлган мамлакатларда ушбу омиллар айниқса кенг тарқалган бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими эса катта юкламаларга дуч келмоқда.

Глобал таҳлиллар маълумотларига кўра, СБКнинг дунёда барча босқичларининг тарқалиши катта ёшли аҳолининг 9,1% ни ташкил этади, бу эса 700–850 миллион нафар кишига тенг. АҚШда СБК ташхиси 37 миллиондан ортиқ фуқарога қўйилган (бу катта ёшлиларнинг тахминан 15% ини ташкил этади). Фақат 2019 йилнинг ўзида СБК 1,43 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатига сабаб бўлган, вақтидан олдин ўлим оқибатида йўқотилган ҳаёт йиллари сони эса 41,5 миллион йилдан ошган. Прогнозларга кўра, 2040 йилга келиб СБК дунёдаги бешта асосий ўлим сабаби қаторига киради. СБКнинг кучайиб боришида гиперурикемия алоҳида ўрин тутди, у яллиғланиш ва оксидланиш жараёнларининг фаоллашувига олиб келади. Бир вақтнинг ўзида генетик факторлар ҳам катта роль ўйнайди яъни, SOD2 (rs4880) ва UMOD (rs4293393) генлари полиморфизми буйрак функциясининг пасайиши индивидуал сезгирлик билан боғланади. Ушбу омилларнинг ўзаро таъсирини чуқур ўрганиш СБК профилактикаси ва даволашда шахсийлаштирилган ёндашувларни асослаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида миллий эпидемиологик кузатишлар ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг ҳисоботларига кўра, сурункали нефропатиялар билан касалланиш сони ҳар йили ортиб бормоқда, жумладан қандли диабетнинг 2 типи, артериал гипертензия ва гиперурикемия кўпайиш частотаси ҳисобига. Эксперт баҳоларига кўра, Ўзбекистон катта ёшли аҳолиси

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Kidney diseases: global health challenges and opportunities. WHO Fact Sheet. Geneva: WHO; 2023.

ўртасида СБКнинг эрта босқичлари тарқалиши 9% дан 13% гача ташкил этиши мумкин, аммо касалликни эрта этапларда аниқлаш йетарли даражада эмас.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси туғрисида”<sup>2</sup>, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш буйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Ушбу маълумотлар СБКнинг шаклланиши ва такомиллашивида турли патогенетик омиллар ўртасидаги боғлиқликни очиш ва шахсиллаштирилган терапиянинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган ушбу тадқиқотнинг долзарблигини таъкидламоқда.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

СБК муаммоси, унинг ташхиси, профилактикаси ва прогнозини аниқлаш замонавий нефрологиядаги марказий йўналишлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда СБК патогенези генетик, метаболик, қон-томир ва яллиғланиш омиллари ўзаро таъсири асосида шаклланадиган тизимли касаллик сифатидаги қарашлар сезиларли даражада кенгайди. Халқаро нефрология ассоциациялари (KDIGO, ERA, ISN) буйрак фаолиятининг тез пасайишига олиб келадиган омилларни, жумладан яширин ва субклиник предикторларни эрта аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозирги вақтда СБК патогенези ва прогрессисида гиперурикемиянинг ролига оид катта ҳажмдаги клиник ва эпидемиологик маълумотлар тўпланган. АҚШдаги CRIC Study, Италиядаги URRAN Project, АҚШдаги NHANES ҳамда Япониядаги CKD-Japan Cohort каби йирик тадқиқотлар шунчаки ошган сийдик кислотаси (СК) даражаси КФТнинг пасайиши, юрак-қон томир асоратлари хавфининг ошиши ва СБК билан оғриган беморларда умумий ўлим кўрсаткичининг юқорилиги билан мустақил боғлиқлигини аниқ кўрсатди. Шу билан бирга, гиперурикемия маркерми ёки касалликни юзага келтирувчи сабабми, деган савол ҳали ҳам баҳсли ҳисобланади, бу эса масаланинг чуқурроқ тадқиқ этилишига эҳтиёж борлигини англатади.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 20.01.2022 йилдаги ПФ–60-сонсонли “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларда ривожланиш стратегияси туғрисида”

Замонавий нефрологиянинг алоҳида йўналишларидан бири СБКга генетик мойилликни ўрганишга бағишланган. Сўнгги йилларда халқаро илмий адабиётларда UMOD генининг полиморфизмлари нефроннинг дистал бўлимларида синтезланадиган асосий оқсил бўлган уромодулин экспрессиясини тартибга солувчи ген кенг тадқиқ қилинмоқда. Геном бўйлаб боғлиқлик тадқиқотлари (GWAS), хусусан А. Köttgen ва муаллифдошларининг (2010) иши, илк бор UMOD гени rs4293393 варианты билан СБК, гиперурикемия ва артериал гипертония хавфи ўртасидаги боғлиқликни намоён этди. Кейинчалик ўтказилган тадқиқотлар (Европа ва Осиё популяцияларида) ушбу боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади, бироқ аллельлар учрашиш частотаси ва уларнинг клиник аҳамиятида сезиларли этник фарқлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Алоҳида қизиқиш уйғотадиган йўналишлардан бири SOD2 гени (rs4880, Ala16Val) полиморфизми, у митохондриял супероксиддисмутаза 2 ферментини кодлайди. Бу фермент буйрак ҳужайраларининг антиоксидант ҳимоясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аланиннинг валинга алмашиши митохондрияга ферментнинг йетказилишида сусайиш, оксидловчи стресс ва яллиғланиш реакцияларининг кучайишига олиб келади, бу эса нефропатиянинг, айниқса қандли диабетнинг 2 типиди (ҚД2), тезроқ илгарилаши билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Гарчи бу борада бир қатор илмий асосланган тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, уларнинг кўпчилиги АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва Хитойда ўтказилган.

Сўнгги 10 йил ичида Ўзбекистонда ГУнинг метаболик синдром компонентлари, АГ ва СБК прогрессияси хавфи билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишга барқарор қизиқиш кузатилмоқда. Бессимптом гиперурикемиянинг ЮИК билан боғлиқлиги Каюмов У.К. ва ҳаммуаллифлар (2019), Умарова З.Ф. (2017), Аляви А.Л., Ташкенбаева Э.Н. (2017, 2023) ишларида ўрганилган. Шу билан бирга, маҳаллий муаллифларнинг мавжуд алоҳида нашрлари асосан СБК патогенези ва даволашининг умумий жиҳатларига қаратилган бўлиб, молекуляр-генетик усуллар, биомаркерлар ва клинко-лаборатория таҳлилини ягона тадқиқот доирасида бирлаштирувчи мултидисциплинар ёндашув амалда мавжуд эмас.

Шу тарзда, ушбу муаммонинг халқаро даражада ўрганилганлик даражаси йетарлича юқори бўлиб, айниқса гиперурикемия, UMOD ва SOD2 генлари полиморфизми каби алоҳида омиллар бўйича кенг қамровли маълумотлар мавжуд. Бироқ, Ўзбекистонда гиперурикемия ва генетик омилларнинг СБКнинг ривожланиб боришидаги ўрнини бир вақтда баҳолайдиган комплекс тадқиқотлар амалга оширилмаган. Мазкур диссертация иши ана шу илмий бўшлиқни тўлдиради, замонавий молекуляр-генетик технологиялар ва клиник таҳлилни интеграция қилган ҳолда, тадқиқотга ҳам илмий янгилик, ҳам амалий аҳамият бағишлайди.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт

университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилган. Хусусан, №ПЗ-20170927280-сонли “Юрак ишемик касаллигининг ноаниқ шакллари башорат қилишга қаратилган молекуляр-генетик усуллари ишлаб чиқиш ва уларни шахсийлаштирилган терапияда қўллаш” мавзусидаги лойиҳа (2019–2021 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** Сийдик кислотаси даражасига боғлиқ ҳолда СБК ривожланишини аниқлаш усуллари тақомиллаштириш ҳамда уромодулинни кодловчи UMOD (T/C; rs4293393) ва антиоксидант ферментни кодловчи SOD2 (Ala16Val; rs4880) генлари полиморфизмининг ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда диагностика усуллари тақомиллаштириш.

**Тадқиқот вазифалари:**

KDIGO классификацияси бўйича 1–3 босқичдаги СБК бўлган беморларда гиперурикемиянинг прогностик аҳамиятини ўрганиш ва унинг учраш частотасини буйрак функцияси оғирлашиши билан боғлиқ ҳолатларда баҳолаш;

UMOD (T>C; rs4293393) ва SOD2 (Ala16Val; rs4880) генларининг полиморфизмлари билан СБК беморларидаги сийдик кислотаси даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

уромодулинни кодловчи UMOD (T>C; rs4293393) ва антиоксидант ферментни кодловчи SOD2 (Ala16Val; rs4880) генларнинг полиморфизмини СБК билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳида тақсимланишини ўрганиш ҳамда уларнинг касаллик ривожланишига мойилликдаги ҳиссасини аниқлаш;

СБК ва гиперурикемия билан касалланган беморларда UMOD (T>C; rs4293393) ва SOD2 (Ala16Val; rs4880) генларининг полиморфизм генотипларини ҳисобга олган ҳолда терапия самарадорлигини баҳолаш;

Гиперурикемия ва генетик маркерлар (SOD2 ва UMOD)нинг буйрак функцияси динамикаси ҳамда СБКнинг прогрессиясидаги эҳтимолий прогностик ролини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг терапия бўлимида кузатувда бўлган 124 нафар СБК билан оғриган беморлар.

**Тадқиқот предмети** СБК билан оғриган беморлардан олинган вена қони ва қон плазма (сыворотка) асосида UMOD (T/C; rs4293393) ва SOD2 (Ala16Val; rs4880) генларининг полиморфизмларини аниқлаш бўйича клиник, лаборатор, биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотларни амалга ошириш, шунингдек, сийдик таҳлили ва КФТ ҳисоб-китоблари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот давомида қуйидаги усуллар қўлланилди: умумий клиник усуллар, биокимёвий таҳлиллар, иммунофермент таҳлиллари, молекуляр-генетик усуллар, инструментал ташхис усуллари, статистик таҳлил усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги**

Илк бор ўрганилган популяция шароитида гиперурикемия билан SOD2 (Ala16Val; rs4880) ва UMOD (T>C; rs4293393) генларининг полиморфизми



ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда уларнинг 1–3 босқичдаги СБК бўлган беморларда буйрак функциясига таъсири комплекс таҳлил қилинган;

SOD2 генидаги Val аллели ва UMOD генидаги T аллели гиперурикемия шаклланиши ва буйрак функцияси бузилишининг патогенетик омиллари сифатида аниқланган;

SOD2 ва UMOD генларининг полиморфизмларини биргаликда баҳолаш антигиперурикемик терапияни режалаштиришда қўшимча молекуляр-генетик маркерлар сифатида амалий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилди. Ушбу полиморфизмларни биргаликда таҳлил қилиш орқали буйрак функцияси ёмонлашиш хавфини стратификация қилиш ва беморларнинг индивидуал даволаш тактикасини оптималлаштириш мумкинлиги асосланган;

генетик вариантлар фебуксостат билан олиб борилган антигиперурикемик терапия самарадорлиги ва буйрак функциясининг эрта динамикасига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. UMOD гени C аллели ва SOD2 гени Ala аллели, “ижобий” вариантлар, ташувчиларида СК миқдори тезроқ нормаллашган ва КФТ пасайиши нисбатан суст бўлгани қайд этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Олинган маълумотлар асосида СК даражасини баҳолаш учун қўшимча диагностик кўрсаткичлар ишлаб чиқилди ва улар СБКнинг прогрессия хавфини баҳолашда юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди.

Медико-генетик таҳлил натижалари шундан далолат берадики, СБК ривожланиши ва прогрессиясида генетик хавф омилларини белгилайдиган номзод генларнинг полиморфик маркерлари орасида UMOD (rs4293393) генидаги T аллели ва T/T генотиби юқори учраш частотасига эга бўлиб, улар касаллик ривожланишига мойиллик билан боғлиқ. Шу билан бирга, C аллели ҳамда C/C ва C/T генотиплари ҳимоя қилувчи таъсир кўрсатиши аниқланди. Шунингдек, таҳлил натижалари кўрсатдики, SOD2 (Ala16Val; rs4880) генидаги Val аллели ва Val/Val генотиби касалликнинг илк ривожланиши ва тез прогрессияси билан боғлиқ юқори хавфни билдиради. Аксинча, Ala аллели ва Ala/Ala генотиби эса нисбатан муҳофаза қилувчи таъсирга эга. Ушбу ишланмаларнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, UMOD ва SOD2 генларининг индивидуал генотиплаштиришга асосланган таҳлили орқали касалликка мойил гуруҳларни доклиник босқичда аниқлаш ва профилактик чоралар ҳамда кейинчалик персоналлаштирилган терапияни танлаш имкони яратилади.

СБК бўлган беморларда гиперурикемияга ирсий мойиллик мавжудлиги бу беморларда узоқ муддатли даврда буйрак асоратлари хавфини оширувчи омил сифатида қаралиши лозим. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиш беморларнинг шахсий хусусиятларига кўра СБК дестабилизацияси даврида индивидуал ва оптимал даволаш тактикаси танлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги СБК билан касалланган беморларнинг ҳолатини баҳолашда объектив мезонлардан фойдаланилгани, замонавий ташхис усулларининг қўлланилгани, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил усулларининг

тўғри танлангани, клиник ва генетик маълумотларнинг йетарли ҳажми, шунингдек, гиперурикемия замирида СБК дестабилизациясининг олдини олишга қаратилган тадқиқот натижаларини Ўзбекистон ва хорижда ўтказилган тадқиқотлар билан солиштириш орқали асосланган. Шунингдек, тадқиқот натижалари ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у аҳоли орасида гиперурикемия учрашиш хусусиятларини, углевод, липид ва пурин алмашинуви компонентлари частотасини баҳолаш орқали ҳудудий маълумотларни ўрганиш, UMOD (rs4293393) ва SOD2 (Ala16Val; rs4880) генларидаги полиморфизм частотасини аниқлаш, даволаш ва профилактика тактикасини оптималлаштириш, шунингдек, асоратларнинг олдини олиш ва прогностик мезонларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Амалий аҳамияти эса шундаки, олинган натижалар асосида СБК билан касалланган беморларда гиперурикемия ривожланиш хавф омилларини аниқлаш бўйича математик модел яратилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилган. Бу эса мазкур касалликнинг прогрессиясини олдини олиш мақсадида самарали профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш.** Сурункали буйрак касаллигининг ривожланишининг хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий - техник кенгашининг 2025 йил 04 ноябрдаги 28/30-сон ҳулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор маҳаллий популяция шароитида гиперурикемия, SOD2 (Ala16Val; rs4880) ва UMOD (T>C; rs4293393) генларининг полиморфизмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда уларнинг 1–3 босқичдаги СБК бўлган беморларда буйрак функциясига таъсири комплекс тарзда ўрганилди. Олинган натижалар асосида ГУ, КФТ, креатинин даражаси ва UMOD ҳамда SOD2 генотипларини биргаликда баҳолашга асосланган клиник-генетик скрининг ва хавф стратификацияси бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2025 йил 29-январ 6-сон билан тасдиқланган «Сурункали буйрак касаллигининг латент кечувчи кўринишларини эрта диагностика қилиш, прогнозлаш ва олдини олиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2025 йил 10 мартдаги 783-7-107-ТВ/2025-сон буйруқ ҳамда Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 10 мартдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу ёндашув СБКни эрта босқичларда аниқлаш, ГУ билан кечувчи беморларни юқори хавф гуруҳига ажратиш ва уларни мунтазам кузатишга имконият беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* скринингни жорий этиш диализ ва стационар даволаш билан боғлиқ умумий харажатларни тахминан 20 %га камайтириш имконини беради;

*иккинчи илмий янгилик:* SOD2 генидаги Val аллели ва UMOD генидаги T аллели ГУ шаклланиши ва буйрак функцияси бузилишининг патогенетик омиллари сифатида аниқланди. Ушбу таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2025 йил 29-январ 6-сон билан тасдиқланган «Сурункали буйрак касаллигининг латент кечувчи кўринишларини эрта диагностика қилиш, прогнозлаш ва олдини олиш номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2025 йил 10 мартдаги 783-7-107-ТВ/2025-сон буйруқ ҳамда Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 10 мартдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* хавф аллелларига эга СКБ билан касалланган беморларни эрта аниқлаш ҳисобига ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатларини камайтиради, бемор ва унинг оиласи учун катта ижтимоий аҳамиятга эга. *Иқтисодий самарадорлиги:* 100 нафар беморни UMOD ва SOD2 бўйича генотиплаш қилишга сарфланадиган 25 млн сўм харажат йилига камида 90 млн сўм диализ тўловларини тежаш имконини бериб, натижада ўзини тўлиқ қоплаб, тахминан 65 млн сўм (яъни 260%) нетто иқтисодий самара келтиради.

*учинчи илмий янгилик;* SOD2 ва UMOD полиморфизмларини биргаликда баҳолаш антигиперурикемик терапияни режалаштиришда қўшимча генетик маркер сифатида амалий аҳамиятга эга экани кўрсатилиб, буйрак функцияси ёмонлашиш хавфини стратификация қилиш ва индивидуал даволаш тактикасини оптималлаштириш асосланди. Ушбу таклифлар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2025 йил 29-январь 6-сон билан тасдиқланган «Сурункали буйрак касаллигининг такомиллашишида гиперурикемиянинг прогностик аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2025 йил 10 мартдаги 783-7-107-ТВ/2025-сон буйруқ ҳамда Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 10 мартдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 04 ноябрьдаги 28/30-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* генотипга асосланган шахсийлаштирилган терапия орқали самарасиз схемалар сони камаяди, дорига жавоб берадиган беморлар улуши ортиб, нохуш таъсирлар ва қайта-қайта дори алмаштириш ҳолатлари қисқаради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Генотиплашга асосланган фебуксостат терапияси СБК ва гиперурикемияли беморларда дори харажатларини 7–8 %га камайтиб, самарасиз 6 ойлик курслар сонини икки бараваргача қисқартиради.

*тўртинчи илмий янгилик:* генетик вариантлар фебуксостат билан антигиперурикемик терапия самарадорлиги ва буйрак функциясининг эрта динамикасига таъсир қилиши биринчи марта кўрсатилди; “ижобий” вариантлар UMOD C аллели ва SOD2 Ala аллели ташувчиларида СК миқдори тезроқ нормаллашиши ва КФТ пасайиши нисбатан суствлиги исботланди. Ушбу таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети

илмий кенгаши томонидан 2025 йил 29-январь 6-сон билан тасдиқланган «Сурункали буйрак касаллигининг такомиллашишида гиперурикемиянинг прогностик аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2025 йил 10 мартдаги 783-7-107-ТВ/2025-сон буйруқ ҳамда Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 2025 йил 10 мартдаги 30-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* фебуксостатга яхши жавоб берадиган генотипли беморларни олдиндан аниқлаш, КФТни узокроқ барқарор сақлашга имкон беради, бу эса беморларнинг меҳнат қobiliятини сақлашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* генотипга асосланган фармакогенетик ёндашувни жорий этиш подагра хуружлари ва шошинч мурожаатлар харажатларини тахминан 30 %га, диализга ўтишни қисман кечиктириш ҳисобида эса диализ харажатларини камида 5 %га камайтириш имконини беради. *Хулоса:* Ўтказилган тадқиқот гиперурикемия ва UMOD ҳамда SOD2 полиморфизмларининг 1–3 босқичдаги СБК ривожланиши ва прогрессиясидаги аҳамиятини исботлаб, “хавф” ва “ижобий” генетик вариантлар асосида клиник-генетик хавф стратификацияси ҳамда фебуксостатга асосланган шахсийлаштирилган антигиперурикемик терапия алгоритмининг таклиф этиши орқали нефрология амалиётида прогнозни яхшилаш, диализга эрта чиқишни камайтириш ва даволаш харажатларини оптималлаштириш учун муҳим илмий-амалий асос яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинди, шулардан 2 таси халқаро ва 2 таси республика миқёсидаги анжуманлардир.

**Тадқиқот натижаларининг нашри.** Диссертация мавзусига оид жами 16 та илмий мақола нашр этилган, шу жумладан 2 та услубий тавсия ва 10 та журнали мақола. Журнал мақолаларининг 6 таси республика нашрларида ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан PhD даражасидаги диссертациялар илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрлар рўйхатига киритилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми - 107 бетни ташкил этади. Адабиётлар рўйхати 157 та манбани ўз ичига олади, шулардан 116 таси хорижий муаллифлар ишларидир. Ишда 18 та расм ва 26 та жадвал келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва унга булган талаб асосланиб кўрсатилган, мақсад ва вазифалар келтирилган, тадқиқот ишининг объекти ва предменти тавсифланган, тадқиқот ишини Ўзбекистон Республикасини фан ва техниканинг ривожланишини устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, унинг илмий ва амалий аҳамияти ва уни

амлиётда қўллаш, ишнинг натижаларини апробацияси ва нашр этилиши, диссертация ҳажми ва тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида** СБК ва унинг прогрессиясининг асосий механизмларига бағишланган замонавий **адабиётлар маълумотлари** умумлаштирилган. ГУ буйрак функциясининг тезроқ пасайишига олиб келувчи эҳтимолий мустақил омил сифатида алоҳида кўриб чиқилган. СК буйрак паренхимасига таъсир кўрсатишнинг асосий патофизиологик йўллари батафсил баён этилган ҳамда уратпасайтирувчи терапиянинг буйрак функциясига таъсирини баҳолаган клиник тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган. Бобнинг алоҳида қисми UMOD ва SOD2 генлари, уларнинг полиморфизми ва СБК патогенези ҳамда прогрессиясидаги эҳтимолий ўрнига оид замонавий қарашларга бағишланган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморлар ва қўлланган тадқиқот усуллари»** номли **иккинчи бобида** тадқиқотнинг материаллари ва усуллари шунингдек СБК булган беморларнинг умумий курсаткичлари батафсил баён этилган. Ушбу иш Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг «Ички касалликлар» бўлими базасида амалга оширилган. ДНК ажратиш ва генларнинг полиморф маркерларини таҳлил қилиш ишлари «ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти» базасида бажарилган.

#### 1-жадвал

#### СБК билан касалланган беморларнинг умумий клиник тавсифи (n=124)

Кўрсаткичлар	M ± SD / Me	Q <sub>1</sub> -Q <sub>3</sub>	min	max
Ёш, (йил)	53,93 ± 11,93	45,00 - 65,00	22,00	73,00
Креатинин, (мкмоль/л)	159,57 ± 25,33	155,07 - 164,08	115,00	211,00
КФТ, (мл/дақ/1.73 м <sup>2</sup> )	37,05	31,85 - 45,05	30,00	67,40
СК, (мкмоль/л)	430,00	320,00 - 540,00	260,00	750,00
Умумий оксил, (г/л)	68,52 ± 7,21	67,19 - 69,86	51,90	85,30
Протеинурия, (г/л)	0,33	0,14 - 0,99	0,00	16,50
Гемоглобин, (г/л)	93,00	80,00 - 109,00	58,00	143,00

Тадқиқотга KDIGO (2024) классификацияси бўйича СБК 1–3 босқичига эга 124 бемор киритилган. Беморларнинг ўртача ёши 53,93 ± 11,93 ёшни ташкил этган. Улар орасида СГН (55 нафар) ва ҚД 2 тип (45 нафар) билан касалланганлар устунлик қилган. Назорат гуруҳлари UMOD учун 89 нафар ва SOD2 учун 62 нафар шахсдан иборат бўлиб, уларда буйрак патологияси белгилари бўлмаган ва жинс ҳамда ёш бўйича беморларга мослаштирилган. Шу билан бирга, СБК ва ГУ бўлган беморларга 6 ой давомида стандарт терапевтик дозаларда фебуксостат тайинланиб, лаборатор кўрсаткичлар (СК, креатинин, КФТ) динамикаси ва СБКнинг прогрессия вақти генотиплардан келиб чиқиб баҳоланган ҳолда проспектив кузатув ўтказилган.

Молекуляр-генетик таҳлил веноз қондан ажратилган ДНКда амалга оширилди. Генотиплаш rs4293393 (UMOD) ва rs4880 (SOD2) участкаларга хос

оригинал праймерлар қўлланган ҳолда полимераз занжири реакцияси (ПЦР) усули орқали бажарилди, амплификация маҳсулотлари эса агароза гелида электрофорез орқали визуаллаштирилди. Сифат назорати учун мусбат ва манфий назорат намунамалари қўлланилди, айрим пробаларнинг қайта генотипланиши эса маълумотларнинг қайта ишланувчанлигини таъминлади.

Статистик ишлов бериш бўлимида қўлланилган таҳлил усуллари батафсил баён этилган: тахсимотнинг нормаллиги (Шапиро–Уилк ва Колмогоров–Смирнов тестлари), миқдорий кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш (Уэлч t-тести, Манн–Уитни U-тести), категориал белгиларни баҳолаш (Пирсон  $\chi^2$ ), шунингдек имкониятлар нисбати (OR) 95% ишонч интервали билан ҳисобланган. Боғланиш кучини баҳолаш учун Спирман корреляция коэффиценти ва Крамер V кўрсаткичи қўлланилган, прогностик аниқликни баҳолаш учун эса Юден индекси ҳисобланган ROC-таҳлилдан фойдаланилган. Статистик аҳамият  $p < 0,05$  да қабул қилинган.

**«СБК бўлган беморларда UMOD (rs4293393) ва SOD2 (rs4880) ген полиморфизмлари вариантлари билан тадқиқот натижалари»** деб номланган учинчи боб 4 параграфдан иборат бўлиб, шахсий тадқиқот натижаларини ўз ичига олади. «СБК бўлган беморларда ГУ мавжудлигига қараб шакллантирилган гуруҳларнинг клиник хусусиятлари» номли параграфда ГУ тез-тез учраш частотаси, клинко-лаборатор кўрсаткичлар хусусиятлари ва СК даражаси билан буйрак функцияси ўртасидаги боғлиқлик келтирилган.

## 2-жадвал


### СБК бўлган беморларда ГУ мавжудлигига қараб кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	ГУ сиз	ГУ билан	p-value
Йоши (йил), Me [IQR]	56,50 [44,25; 64,75]	57,0 [45,0; 64,75]	0,925
Креатинин даражаси (мкмоль/л), Me [IQR]	150,66 (21,89)	165,59 (25,85)	0,001
КФТ (мл/дак/1.73 м²), Me [IQR]	40,90 [32,30; 50,20]	35,95 [31,75; 41,9]	0,042
СК (мкмоль/л), M (SD)	317,80 (38,67)	527,84 (94,55)	<0,001
Умумий оқсил, M (SD)	68,26 (7,80)	68,69 (6,87)	0,759
Протеинурия, Me [IQR]	0,49 [0,17; 1,57]	0,33 [0,13; 0,99]	0,2
Қондаги гемоглобин даражаси (г/л), Me [IQR]	98,0 [83,0; 112,50]	90,0 [80,0; 109,0]	0,458

EULAR (2023) тавсияларига мувофиқ, беморлар қондаги СК даражасига қараб икки гуруҳга ажратилди: ГУ бўлган ва ГУ бўлмаган. ГУ 59,7% беморларда (124 нафардан 74 нафар) аниқланган, бунда чек қийматлари аёллар учун  $\geq 360$  мкмоль/л ва эркеклар учун  $\geq 420$  мкмоль/л ни ташкил этган.

Қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ГУ бўлган беморларда креатинин даражаси анча юқори бўлган ( $165,6 \pm 25,9$  га нисбатан  $150,7 \pm 21,9$

мкмоль/л;  $p = 0,001$ ) ҳамда КФТ пасайиши кузатилган (35,9 [31,8; 41,9] га нисбатан 40,9 [32,3; 50,2] мл/дак/1,73 м<sup>2</sup>;  $p = 0,042$ ), бу эса буйрак функциясининг янада кучлироқ бузилишини акс эттиради. ГУ бўлган беморларда СК ўртача даражаси жуда юқори эканлиги аниқланган ( $p < 0,001$ ), шу билан бирга умумий оксил, протеинурия ва гемоглобин кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ қайд этилмаган ( $p > 0,05$ ).



### 1-расм. СБК бўлган беморларда креатинин даражасининг СК даражасига боғлиқлигини тавсифловчи регрессия функцияси графиги

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, СК ва креатинин даражалари ўртасида ўртача кучли тўғри боғланиш аниқланган ( $r = 0,392$ ;  $p < 0,001$ ), бу эса ГУнинг СБК прогрессиясида эҳтимолий омил сифатидаги ролини тасдиқлайди.

Иккинчи параграф «СБК прогрессиясининг молекуляр-генетик маркерларини UMOD (rs4293393) ва SOD2 (rs4880) полиморфизмига боғлиқ ҳолда ўрганиш» генотипик гуруҳлар ўртасидаги клинко-лаборатор фарқларни таҳлил қилиш ҳамда буйрак функциясининг ҳолати билан боғлиқ генетик омилларни аниқлаш натижаларини қамраб олади.

### 3-жадвал

#### SOD2 полиморфизмига боғлиқ кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	SOD2 полиморфизми			P
	Ala/Ala	Ala/Val	Val/Val	
Креатинин (мкмоль/л), Ме [IQR]	153,50 [134,75; 188,75]	160,0 [146,0; 177,0]	157,00 [138,0; 170,0]	0,530
КФТ (мл/дак/1.73м <sup>2</sup> ), Ме [IQR]	37,95 [32,20; 46,97]	34,80 [31,70; 40,20]	41,60 [35,10; 48,90]	0,104
СК (мкмоль/л), Ме [IQR]	345 [312,5; 440]	440 [330; 570]	500 [430; 570]	* < 0,001
Умумий оксил (г/л), М (SD)	69,40 (7,04)	68,01 (6,24)	69,73 (6,39)	0,544
Протеинурия (г/л), Ме [IQR]	0,33 [0,17; 1,32]	0,58 [0,11; 0,99]	0,33 [0,13; 0,82]	0,611
Гемоглобини (г/л), М (SD)	99,24 (19,36)	89,63 (15,61)	98,20 (24,13)	0,069


Изох: \*  $p_{Ala/Val - Ala/Ala} = 0,035$ ,  $p_{Val/Val - Ala/Ala} < 0,001$

SOD2 (rs4880) гени полиморфизмини таҳлил қилишда Ala/Ala, Ala/Val ва Val/Val генотиплари ўртасида СК даражалари бўйича ишончли фарқлар аниқланди ( $p < 0,001$ ). Энг паст қийматлар Ala/Ala ташувчиларида кузатилган (345 [312,5; 440,0] мкмоль/л), ҳозирда эса Val/Val генотиби бўлган беморларда СК даражаси анча юқори бўлган (500 [430; 570] мкмоль/л). Бу ҳолат Val аллелининг ГУ билан ҳамда эҳтимолан СБКнинг камроқ қулай прогноз билан кечиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Бошқа кўрсаткичлар - креатинин, КФТ, умумий оксил, протеинурия ва гемоглобин гуруҳлар орасида ўхшаш бўлган, аммо Ala/Val ташувчиларида гемоглобин пасайишга мойиллик, Val/Val гуруҳида эса КФТ юқорироқ қийматларга эга бўлиши қайд этилган. Бу ҳолат антиоксидант тизимининг компенсацион механизмлари билан изоҳланиши мумкин.

Коморбид ҳолатлар таҳлили текширилган беморларда аниқ ифодаланган полиморбидлик мавжудлигини кўрсатди. Энг кўп учраган ҳамроҳ касалликлар қуйидагилар бўлди: артериал гипертензия - 62,9%, ишемик юрак касаллиги - 57,3%, қандли диабет 2 тип - 52,4%, анемия - 46,8% ва семизлик - 37,9%. Бу ҳолатлар, айниқса АГ ва ҚД 2 тип, СБК кечишини оғирлаштириб, унинг тезроқ прогрессиясига ҳисса қўшган. Инструментал текширувлар буйрак ва бошқа «нишон органлар» шикастланиш хусусиятини аниқлаш имконини берди. Текширилган беморларнинг 58,1% да бўйрак микролитиази, 41,1% да диабетик нефропатия, 29,8% да нефросклероз аниқланган. Шу билан бирга, ЭхоКГ маълумотларига кўра, беморларнинг 66,1% да чап қоринча гипертрофияси кузатилган бўлиб, бу кардиоренал синдром мавжудлигини тасдиқлайди.

Учинчи параграф «СБК бўлган беморларда UMOD (rs4293393) полиморфизмининг генетик тақсимланиши ва ассоциациясини ўрганиш» UMODнинг бир нуклеотидли полиморфизмини таҳлил қилиш натижаларини ўз ичига олади.

Тадқиқот доирасида 100 нафар СБК беморида UMOD (rs4293393) генотипларининг тақсимоти ўрганилди. Энг кўп учраган генотип Т/Т бўлиб, у 62,0% ҳолатларда қайд этилган. Гетерозигот вариант С/Т - 25,0%, гомозигот С/С эса 13,0% беморларда аниқланган. Шунингдек, Т аллели частотаси 74,5%, С аллели эса 25,5%ни ташкил этган.



**2-расм. ГУ мавжудлигига қараб гуруҳлар орасида UMOD (rs4293393) генотипларининг тақсимоти**



Тадқиқот вазифаларидан бири UMOD (rs4293393) полиморфизми билан СК даражаси ўртасидаги эҳтимолий боғлиқликни аниқлашдан иборат эди. Шу мақсадда беморлар ГҮ (n = 62) ва ГҮсиз (n = 38) гуруҳларга ажратилди. Таҳлил натижаларига кўра, Т аллели ГҮ бўлган беморларда кўпроқ учраган (78,7% га нисбатан 67,9%;  $p = 0,089$ ), холбуки С аллели нормоурикемия гуруҳида устун бўлган (32,1% га нисбатан 21,3%). Генотиплар қиёсий таҳлилида Т/Т генотиби ГҮ бўлган беморларда кўпроқ учраганлиги аниқланган (66,1% га нисбатан 55,3%), гетерозигот вариант С/Т эса нисбатан кўпроқ ГҮсиз беморларда қайд этилган (31,6% га нисбатан 21,0%). Ушбу йўналиш натижалари Т аллелининг ГҮ ва сийдик кислотаси экскрециясининг бузилиши билан биологик асосланган боғлиқлик тенденциясини кўрсатади.

Бундай қонуният уромодулиннинг функционал роли билан мос келади: Т-аллели ташувчиларида бу оксилнинг экспрессияси ортиши натижасида натрий реабсорбцияси кучаяди ва уратлар экскрецияси камаёди, бу эса ГҮ ривожланиши ва бўйрак ичидаги босимнинг ошиши учун шароит яратади. Шу билан бирга, С-аллель эҳтимолан ҳимояловчи (протектив) таъсирга эга бўлиб, уромодулин экспрессиясини пасайтиради ва ГҮ ривожланишини чеклайди, бу эса унинг эҳтимолий нефропротектив ролини тасдиқлайди.

Олинган маълумотларнинг аҳамиятини аниқлаш мақсадида UMOD (rs4293393) аллел ва генотипларининг тақсимооти СБК бўлган беморлар ҳамда ёш ва жинс жиҳатидан мос келувчи назорат гуруҳи билан қиёслаб таҳлил қилинди. Назорат гуруҳи бўйрак патологияси белгилари бўлмаган 89 нафар шахсдан иборат эди.

#### 4-жадвал

##### СГН билан касалланган беморларда UMOD (rs4293393) гени аллелларининг тақсимооти назорат гуруҳи билан қиёслаш

Аллель	Учраш, n (%)		$\chi^2$	$p$	OR	95% ИО
	СГН (n=55)	Назорат (n=89)				
С	34 (30,91)	42 (25,84)	1,57	>0,05	1,4	0,825-2,396
Т	76 (69,09)	132 (74,16)				

СГН (n = 55) бўлган беморларда С-аллель частотаси 30,9% ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичга нисбатан бироз юқорироқ бўлди (25,8%). Т-аллель учун мос қийматлар мос равишда 69,1% ва 74,2% ни ташкил этди.

#### 5-жадвал

##### СГН билан касалланган беморларда UMOD (rs4293393) генотипларининг тақсимооти назорат гуруҳи билан қиёслашда

Генотип	Учраш, n (%)		$\chi^2$	$p$	OR	95% ИО
	СГН (n=55)	Назорат (n=89)				
С/С	9 (16,36)	10 (11,24)	0,78	0,37	1,54	0,58-4,082
С/Т	16 (29,09)	26 (29,21)	0,01	0,98	0,99	0,47-2,083
Т/Т	30 (54,55)	53 (59,55)	0,34	0,55	0,81	0,41-1,60

Гомозигот С/С генотиби беморларнинг 16,36% ва назорат гуруҳининг 11,24% қайд этилган. Ушбу генотип учун  $OR = 1,54$  (95% ишонч оралиғи: 0,58-4,082) ни ташкил этган. Гетерозигот С/Т генотиби учун ҳам учраш частотасида ишончли фарқ кузатилмаган: у беморларнинг 29,09% ва назорат гуруҳининг 29,21% аниқланган. Ушбу генотип учун  $OR = 0,99$  (95% ИО: 0,47-2,083) бўлган. Т/Т генотиби беморларнинг 54,55% ва назорат гуруҳининг 59,55% ида қайд этилган. Бу генотип учун  $OR = 0,81$  (95% ИО: 0,41-1,60) ни ташкил этган бўлиб, бу ҳолат ривожланиш хавфининг пасайиш тенденциясини кўрсатиши мумкин.

#### 6-жадвал

**ҚД 2 тип билан касалланган беморларда UMOD (rs4293393) гени аллелларининг тақсимооти назорат гуруҳи билан қиёслашда**

Аллель	Учраш, n (%)		$\chi^2$	$p$	OR	95% ИО
	ҚД2 (n=45)	Назорат (n=89)				
С	17 (18,89)	46 (25,84)	1,607	0,205	0,668	0,358-1,249
Т	73 (81,11)	132 (74,16)				

ҚД 2 тип фонидаги СБК бўлган беморларда ( $n = 45$ ) бироз бошқача натижалар кузатилган. Уларда Т-аллель частотаси юқорироқ бўлган (81,1% га нисбатан 74,2% назоратда), аксинча, С-аллель частотаси паст бўлган (18,9% га нисбатан 25,8%).

#### 7-жадвал


**ҚД2 билан касалланган беморларда UMOD (rs4293393) генотипларининг тақсимооти назорат гуруҳи билан қиёслашда**

Генотип	Учраш, n (%)		$\chi^2$	$p$	OR	95% ИО
	ҚД2 (n=45)	Назорат (n=89)				
С/С	4 (8,89)	10 (11,24)	0,176	0,675	0,77	0,228-2,609
С/Т	9 (20,0)	26 (29,21)	1,31	0,252	0,606	0,256-1,434
Т/Т	32 (71,11)	53 (59,55)	1,72	0,19	1,67	0,77-3,61

Генотип даражасида ҚД 2 тип бўлган беморларда Т/Т вариантынинг устунлик тенденцияси кузатилган (71,1% га нисбатан 59,6%;  $OR = 1,67$ ; 95% ИО: 0,77-3,61;  $p = 0,19$ ). Фарқлар статистик аҳамиятга етмаган бўлсада, ўзгариш йўналиши бир хил бўлиб қолган. Бу эса Т-аллелнинг метаболик бузилишлар фонида буйрак патологияси хавфининг ортиши билан эҳтимолий боғлиқлигини тахмин қилиш имконини беради.

